



**РАЗРАБОТЧИК  
WORLD OF  
TANKS** МОЖЕТ  
ОТКРЫТЬ В  
УЗБЕКИСТАНЕ  
СВОЙ ОФИС  
5-бет.



**NASA** МАРСГА  
ОДАМЛАРНИ  
ҚАЙСИ ЙИЛДА  
УЧИРИШНИ  
ЭЪЛОН ҚИЛДИ

6-бет.



Клара  
**НАЖМИДИНОВА:**  
"ҚАЛБИМДА  
"ПОЧТА" ДЕГАН  
ҚЎШИФИМ БОР"

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Хабар

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**13** (1539)-son  
**31-mart**  
**2022**

@xabaruzofficial  
@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

## DECIDE ЛОЙИХАСИ

### ТАТУ ўқитувчиларига сертификат берилди

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчилари ERASMUS+ дастури доирасида DECIDE лойиҳасида иштирок этишди ва махсус сертификатга эга бўлишди.

DECIDE лойиҳаси алоҳида эҳтиёжи (ногиронлиги) бўлган шахсларнинг таълим олиш ва жамиятнинг кундалик ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан камситишларга қарши курашишга қаратилган.

Лойиҳа ташаббускори ва координатори Руминиянинг Брасов шаҳридаги Трансилвания университети. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистондаги 14та университетда, шунингдек, Руминия, Буюк Британия, Германия ва Грециядаги тўртта университетда амалга оширилмоқда.



## ҲАКАТОНДА

### ИНҲАЧИЛАР СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабаларидан иборат EduCheck ва Hashar жамоалари 54 соатлик Swtashkent\_official ҳақатонда иштирок этишди.

Ҳақатонда EduCheck жамоаси Computer Vision технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг давоматини автоматлаштириш учун стартапни амалга ошириб, 11та стартап орасида биринчи ўринни эгаллади.

Иштирокчилар ўз стартапини Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ўқув жараёнига

жорий этишни, шунингдек, келажақда тизимнинг функционал имкониятларини кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Hashar жамоаси эса ёлланма ишчилар хизматлари бозорини автоматлаштириш ғоясини илгари сурди. Улар мобил иловани яратдилар, унда иш берувчилар ўз уйларида қулай бўлган ҳолда энг яқин ишчи билан боғланишлари мумкин. Бундан ташқари, иловада ишчиларни рейтинг бўйича саралаш имконияти мавжуд. Hashar лойиҳаси "Ижтимоий масъулият" номинациясига сазовор бўлди.

## DECIDE

ERASMUS+ PROJECT

## МИЛЛИАРД Фойдаланувчи

(Ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар бир миллиард фаол фойдаланувчига эга бўлиши учун кетган вақт, 2021 йил)

- Facebook Messenger - 4,9 йил
- TikTok - 5,1 йил
- WeChat - 7,1 йил
- Instagram - 7,7 йил
- YouTube - 8,1 йил
- WhatsApp - 8,5 йил
- Facebook - 8,7 йил



## Сарҳисоб

## НАТИЖАЛАР ЯХШИ, ВАЗИФАЛАР Кўп...

Ўзбекистон алоқа тарихи музейида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2022 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтган йиғилишда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилотлар қасаба уюшмаси кўмиталари раислари қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Ишанходжаев ўтган даврда қилинган ишлар ва келгуси вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачининг қайд этишича,

"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" - ни босқичма-босқич ҳаётга изчил татбиқ этишда барча бўғиндаги қасаба уюшмаси ташкилотлари иш берувчилар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилган.

2021 йилда Республика кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар сони йил якуни бўйича 282тани, қасаба уюшмаси аъзолари сони 75469 нафарни

ташқил этди. Ҳисобот даврида қасаба уюшмаси аъзоларининг 21 минг нафарини аёллар ва 36 минг нафарини ёшлар ташқил этган.

Тарғибот-ташвиқот ишлар натижасида ўтган йили 50та янги бошланғич ташкилот (5612 нафар ходим) Республика кенгашининг хизмат доирасига кирган.

Жамоа шартномалари орқали 2021 йил давомида, жами 9194 нафар ижтимоий химояга муҳтож ходимларга, меҳнат фахрийларига ва ёш мутахассисларга 6,3 млрд. сўм, шундан иш берувчи маблағи ҳисобидан 5,7 млрд. сўм миқдорда моддий ёрдам пуллари берилган.





Жумадан  
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 март куни Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда амалий ҳамкорликни, энг аввало, савдо, инвестициялар, инновациялар, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, логистика ва транспорт соҳаларида олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 март куни Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Решетниковни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ҳукуматлари даражасида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 март куни соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 29 март куни Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича жорий этилган рейтинг баҳолаш тизими доирасида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан олиб борилган ишлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи бўлиб Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 29-30 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ўзбекистон ва Туркия етакчилари икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишди. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашитишнинг иккинчи йиғилиши якунлари бўйича Қўшма баёнот имзоландилар. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 9та ҳужжат имзоланди.

Март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, сугоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор эълон қилинди.

## WARGAMING КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ВАКОЛАТХОНАСИНИ ОЧИШНИ ИСТАМОҚДА



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Беларуснинг машҳур IT-компанияси – Wargaming раҳбарияти билан учрашди.

Учрашув доирасида томонлар ўртасида қатор йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилиш масалаларига эътибор қаратилган. Жумладан, Wargaming компанияси вакиллари Ўзбекистон IT бозорига катта қизиқиш билдирган, дастурловчилар учун ваколатхонасини очиш масалалари муҳокама қилингани қайд этилди. Ўз навбатида, АКТ вазирлиги раҳбарияти ушбу масалада кўмак беришга тайёрлигини билдирган.

Таъкидланганидек, бугун-

ги кунда Ўзбекистонда хорижий IT-компаниялар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, IT-Парк резидентлари бўлган хорижий компанияларга солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилади, уларга ташкилий кўмак берилади, хусусан, тайёр инфратузилма ҳам тақдим этилади. Янада қулайлик яратиш мақсадида IT visa тизими жорий қилинди. Мазкур тизим IT мутахассис ва унинг оила аъзолари учун визаларни тез фур-

сатда олиш имконини беради.

Маълумот учун: Wargaming – бу Беларус хусусий компанияси ҳисобланиб, компьютер ўйинларини яратиш бўйича жаҳондаги етакчи компаниялардан биридир. Компания 15дан зиёд турли платформаларга мўлжалланган ўйинларни ишлаб чиққан. Улар орасида World of Tanks ва World of Warplanes компьютер ўйинлари энг оммалашган бўлиб, уларнинг аудиторияси 200 миллион фойдаланувчидан ошади.

Ҳозирда 5000дан ортиқ ходим ишлайдиган ушбу компаниянинг ваколатхоналари Беларус, Россия, Украина, Кипр, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Австралия, Сингапур, Япония ва Тайванда жойлашган.

## ЭСТОНИЯ ЭЛЧИСИ БИЛАН АКТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида 28 март куни Эстониянинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси Тоомас Тиерс билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вазирнинг биринчи ўринбосари Олег Пекос иштирок этди.

Учрашувда томонлар икки давлат ўртасида электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, IT-таълим, IT-тадбиркорлик соҳаларида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид кенг қўламли масалаларни муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ва Эстония ўртасида АКТ соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. 2021 йил апрел ойида Ўзбекистон ва Эстония ўртасида электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Мазкур меморандум доирасида икки давлат ўртасида электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамкорликни амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган эди.

Шунингдек, жорий йилнинг февралда Олег Пекос бошчилигидаги вазирлик делегацияси электрон ҳукуматни ривожлантириш ва жорий этиш бўйича тажриба алмашиш мақсадида Эстонияга ташриф буюрган эди. Ташриф давомида АКТ вазирлиги мутахассислари бевосита Эстониялик ҳамкасбларининг тажрибасини ўрганиб, АКТ соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишган.

Ўз навбатида, Тоомас Тиерс икки давлат ўртасидаги шериклик муносабатлари ривожланиб бораётганини ижобий баҳолаб, Ўзбекистон ва Эстония ўртасида АКТ соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёрлигини билдирди.

Мутолаа завқи

### ПОЧТАЧИЛАР КИТОБ ТАРҒИБОТИДА

"Ўзбекистон почтаси" АЖ "Тошкент почтамти" филиалининг амалиётлар залида Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда китоб кўرғазмаси ташкил этилди.

Мижозлар ҳамда ходимлар ўртасида китоб мутолаасини тарғиб қилиш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу кўрғазмада Ўзбек ҳамда жаҳон адабиётига



доир сара асарлар намойиш этилди. Филиалга почта хизматларини фойдаланиш учун келган мижозлар кўрғазмага катта қизиқиш билдириб, ўзларига маъқул келган асарларни харид қилдилар.



# НАТИЖАЛАР ЯХШИ, ВАЗИФАЛАР КЎП...



2021 йил давомида ҳудудларда, хусусан, “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва “Халқаро почта” филиаллари, “Радиоалоқа, радиоэширтириш ва телевидение маркази” ДУК Сурхондарё вилояти РТУМда ўтказилган очик мулоқотлар ва сайёр қабулларда ижтимоий ҳимоя, меҳнат, меҳнат муҳофазаси, касба уюшмалари ва бандликка оид қонун ҳужжатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида 35тадан кўпроқ давра суҳбатлари, ўқув машғулотлари, ҳуқуқий савол-жавоблар ўтказилиб, ушбу тадбирларда 1600 нафарга яқин тингловчи қатнашди.

Республика кенгашида 2021 йилда кўриб чиқилган 25та ёзма ва электрон муурожаатлар, 48тадан кўпроқ оғзаки муурожаатларнинг 90 фоизидан ортиғи ҳал қилинди.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида ва ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида ўтган йилда иш берувчилар билан ҳамкорликда 7,5 минг нафардан зиёд ишчи-ҳодим ва уларнинг оила аъзолари, меҳнат фахрийлари, эҳтиёжманд оилалар вакиллари-нинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шахрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга ҳамда ўз ҳудудларидаги муқаддас зиёратгоҳларга саёҳатлари уюштирилди.

2021 йилда санаторий ва дам олиш уйларида аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга 1 млрд. сўмдан кўп маблағ йўналтирилиб, 459 нафар кишининг соғлиғи мустаҳкамланди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУнинг Талабалар тураржойида яшаётганларнинг маиший шароитини янада яхшилаш учун Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси ҳамда Ўзбекистон ах-

борот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан умумий қиймати 70 млн. сўм бўлган 20 дона Samsung кир ювиш машиналари талабалар ихтиёрига топширилди.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим 165 нафар талабанинг 855,7 млн. сўм миқдорига ўқув шартнома пуллари иш берувчилар томонидан тўлаб берилган.

Шунингдек, йил дастури доирасида 312 нафар икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши таътилида бўлган ёш оналарга иш берувчилар маблағлари ҳисобидан жами 182,5 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 1531 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари жами 413,4 млн. сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминланган.

2111 нафар кам таъминланган ёш оилалар вакилларига 574,9 млн. сўм миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, соҳа ходимларидан тузилган 74та жамоа ўртасида футзал бўйича кўча Кубок учун



ҳудудлараро, ғолибликни қўлга киритган 8та жамоа ўртасида республика финал мусобақалари “Касба уюшмалари куни” арафасида ўтказилди.

Республикамизда 2022 йил “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” деб номланиши муносабати билан, вазирлик, агентлик ва компания тизимидаги корхона ва ташкилотларда ходимларни ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш мақсадида АКТ вазирлиги билан Республика кенгашининг 2022 йил 24 январдаги қўшма буйруқ-қарорига асосан ишчи гуруҳи тасдиқланди.

Ишчи гуруҳ ва жойлардаги масъул ходимлар томонидан Андижон, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Хоразм вилоятларида фаолият юритаётган корхона ва филиалларда, шунингдек, уларнинг туманлардаги таркибий бўлинмаларида ходимлар меҳнат шароитлари таҳлилий-танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқилди.

Йиғилишда ютуқлар билан бирга йўл кўйилган камчиликлар ҳам

таҳлил қилинди, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Ҳисобот мажлисида Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича куратори, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали касба уюшмаси қўмитаси раиси П.Узакова, Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича куратори, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали касба уюшмаси қўмитаси раиси М.Махмудов, “РТМ” ДУК касба уюшмаси қўмитаси раиси М.Хусанов, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси касба уюшмаси қўмитаси раиси М.Назарова, “COSCOM” МЧЖ касба уюшмаси қўмитаси раиси Н.Исхаков, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги касба уюшмаси қўмитаси раиси А.Нуриев ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз тақриф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Қўрилган масалалар юзасидан Республика кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Солижон ЗОИРОВ,  
“Xabar” мухбири

“**2021 йилда  
РЕСПУБЛИКА  
КЕНГАШИ  
ТИЗИМИДАГИ  
БОШЛАНҒИЧ  
ТАШКИЛОТЛАР  
СОНИ ЙИЛ ЯКУНИ  
БЎЙИЧА 282ТАНИ,  
КАСАБА УЮШМАСИ  
АЪЗОЛАРИ СОНИ  
754,69 НАФАРНИ  
ТАШКИЛ ЭТДИ.**”

## Эътироф

### ФАОЛЛАР “ENTIROM NISHONI” БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ



“Ўзбекистон почтаси” АЖ ташкил топганлигининг 30 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Соҳадаги кўп йиллик самарали меҳнати давомида инсонларга нисбатан ғамхўрлиги, самимийлиги, тажрибасини ҳаётга оқилона қўллаши, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳуқуқлар ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга соғлом меҳнат шароитларини яратиш, дам олиш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ишчи-ҳодимлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида эришган ижобий ютуқларини муносиб рағбатлантириш мақсадида бир гуруҳ касба уюшмаси қўмитаси раислари, шу жумладан:

**Маҳбуба Инатовна САТТОРОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик ишлари бўлинмаси бошлиғи – касба уюшмаси қўмитаси раиси;

**Муродил МАҲМУДОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали касба уюшмаси қўмитаси раиси;

**Джамшид Фирӯзович ИСЛАМОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Халқаро почта” филиали директори ўринбосари – касба уюшмаси қўмитаси раиси Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг “ENTIROM NISHONI” билан тақдирландилар. Қўрак нишонларини Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг раиси Асрор Ишанходжаев топширди.

Шунингдек, “Ўзбекистон почтаси” АЖ ташкил топганлигининг 30 йиллиги муносабати билан 28 нафар почта ходимлари Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ташаккурномаси ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз



# Самарқанд почтаси: ИСЛОҲОТЛАР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти бугунги кунда мамлакатимизда ва давлатлараро хат ва почта жўнатмалари билан бир қаторда товарларни етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ўз инфратузилмасига эга бўлган компания ҳисобланади.



Миллий почта тизими ҳисобланган “Ўзбекистон почтаси” АЖ барча вилоятларда филиалларига эга. Биргина Самарқанд филиали 16та почта алоқа боғламасидан иборат бўлиб, тўртта туманлараро йўналишда аҳоли, корхона ва ташкилотларга почта жўнатмалари ва даврий нашрларни етказиш йўлга қўйилган.

Айни дамда Самарқанд вилояти бўйича жами 265та, шундан шаҳар ҳудудларида 80та, қишлоқ жойларда эса 185та етказиб бериш участкалари фаолият кўрсатмоқда. Вилоят бўйича хат-хабарларни йиғиб олиш мақсадида 202та (шундан 164таси қишлоқларда) почта қуғиси ўрнатилган.

Филиалнинг 215та алоқа бўлимида ҳозирги кунда 683 нафар ходимлар аҳолига почта алоқа хизматини кўрсатиб келмоқда.

Аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилган почта хизматларидан 2021 йил якуни бўйича 15 млрд. 645 млн. сўм даромад олинди, 2020 йил (10,3 млрд. сўм)га нисбатан даромадлар 51 фоизга ошди.

Умумий олданда, 2021 йил давомида 855,0 минг (3,4 млрд. сўм) дондан ортиқ хат-хабарлар, обуначиларга 1 млн. 900 минг (1,3 млрд. сўм) нусхада газета-журналлар (ўсиш 23 фоиз), 7,4 минг (2,3 млрд. сўм) дондан ортиқ почта алоқа хизматлари (ўсиш 13 фоиз), 212,7 мингта (1,4 млрд. сўм) тибрийд почта жўнатмалари (ўсиш 203 фоиз) етказиб берилиши таъминланди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Самарқанд филиали томонидан почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш ва филиалнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тўловларни масофавий онлайн тартибда қабул қилишга мўлжалланган янгиланган ахборот тизими орқали ойига ўртача 25–30 млрд. сўм миқдорда аҳолидан тўловлар қабул қилиняпти. Ушбу хизматдан 2021 йилда 5,4 млрд. сўм даромад олинди (ўсиш 52 фоиз).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4921-қарориде белгиланган вазифаларга асосан:

- филиалнинг моддий техника базасини янгилаш ва вилоят ҳудудиде почта жўнатмаларини манзилгача етказиб бериш учун почта алоқа тармоқлари 2021 йилда еттига “Дамас”, тўрт Volkswagen Caddy ҳамда 21та электроскутерлар билан таъминланди;
- 17та почта алоқа бўлими биноси таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди;
- 35та почта алоқа бўлими ягона



Ф.Шаданов, обуна бўлими бошлиғи



А.Караматова, оператор

корпоратив дизайн асосида жиҳозланди;

- 34та почта алоқа бўлимига оптик толали алоқа линиялари тортилиб, охириловчи қурилмалар билан таъминланди;

- 67та почта алоқа бўлимида 33 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш жорий этилди;

- 34та почта алоқа бўлимида банк ҳамда сугурта хизматларини кўрсатиш жорий этилди;

- почта алоқа бўлиmlари 193та замонавий компьютер, 181та принтер ва 100та кўп функцияли мобил қурилмалар билан таъминланди;

- Пайариқ почта алоқаси боғламаси маъмурий биносини таъмирлаш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 312,0 млн. сўм ва филиал маблағлари ҳисобидан 140,0 млн. сўм ажратилиб, замонавий кўринишда таъмирланмоқда;

- янги хизмат турларини жорий этиш орқали 18та янги иш ўрни яратилди.

Юртимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида замонавий услубда таъмирланган Самарқанд почта алоқаси боғламаси биноси фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда алоқа бўлиmlарида асосий почта хизматлари – хат-хабарлар, майда пакетлар, почта алоқа қабул қилиш, топшириш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш, давлат хизматларининг 30дан ортиқ тури, банк хизматларини кўрсатиш ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолига янада қулайликлар яратиш ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини ошириш мақсадида мижозлардан нафақат коммунал тўловлар, балки барча турдаги бюджет тўловларини ҳам қабул қилиш автоматлаштирилган тизимлари ишлатилмоқда.

Ўтган йили “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан 200дан ортиқ электроскутерлар харид қилиниб, тизимдаги почта ташувчи ходимларга етказиб

берилди. Олдинлари почта ташувчилар томонидан ушбу жўнатмалар олувчиларга 1–2 кун ичида етказиб берилган бўлса, ҳозирги кунда эса электроскутерлардан фойдаланиш натижасида 3–4 соат ичида ўз эгаларига элтиб бериляпти. Бу, ўз навбатида, почта ташувчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга ҳамда вақтлари тежалишига олиб келмоқда.

Маълумки, 2021 йилнинг декабр ойида “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Янги имкониятлар кучи” номили ребрендинг тақдимотини ўтказган, унда “Ўзбекистон почтаси” бренди UzPost номига ўзгартирилгани эълон қилинган эди. Ребрендинг ўтказишдан мақсад ва натижаларига кўра, почта логистикаси тубдан ислох қилиниб, янгиланган содда логистика мижозларга катта имкониятлар берди, жараёнларни оптимизация қилиш ва почта жўнатмаларини расмийлаштириш босқичларини қисқартиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Янги тизимда мижозлар эндиликда жўнатмаларини мобил алоқа воситаси ёрдамида веб-сайт, илова ёки телеграм бот орқали исталган жойдан туриб расмийлаштириши, жўнатмаларини қаерда ва қайси босқичда эканлигини кузатиб бориш имконига эга. Ушбу замонавий имкониятдан самарқандлик почта мижозлари ҳам фойдаланмоқда.

Ҳар бир корхона ривожини малакали мутахассислар тажрибасига боғлиқ. “Ўзбекистон почтаси” АЖ Самарқанд филиали жамоаси ва раҳбарияти бугунги кунда соҳада ўттиз йилдан ортиқ меҳнат қилаётган заҳматқаш ва устоз почтачилар борлигидан ҳақи равишда фахрланади. Жумладан, Жомбой ПАБ марказий амалиёт зали бошлиғи Фароғат Хожақулова, Зиаддин ПАБ Тумор алоқа бўлими бошлиғи Ойсар Тўхтаева, Қўшработ ПАБ марказий амалиёт зали 3–тоифали хабарчиси Шодиёр Мамаев, Пайшанба ПАБ 3–тоифали алоқа оператори Луфтилла Ҳасанов, Самарқанд ПАБ 1–тоифали алоқа оператори Лола Ҳасанова, Самарқанд ПАБ бошлиқ ўрин-

босари Шавкат Саттаров, Самарқанд ПАБ Фарҳод алоқа бўлими бошлиғи Моҳчеҳра Ҳамдамова, Тойлоқ ПАБ бошлиғи ўринбосари Фарида Раҳмонова, филиал почта алоқасини ташкил этиш бўлими 1–тоифали мутахассиси Зебо Эргашевалар шулар қаторидадир.

2022 йилда Самарқанд шахрида интернет-савдо майдончаси эгаларига ўз маҳсулотларини сақлаш, яъни омборхона муаммосини ҳал этиш ҳамда интернет-савдо майдончаси орқали харид қилинган маҳсулотларни шу ернинг ўзида тез фурсатларда қадоқлаб, мижозларга етказиб бериш имкониятини берадиган логистика марказини ташкил этиш белгиланган.

Шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, қисқа муддат ичида почта жўнатмалари ва даврий матбуот нашрлари ҳамда кузрилиқ жўнатмаларини етказиб беришни такомиллаштириш, вилоят ва туман марказларига хизмат кўрсатувчи почта алоқаларини марказдаги саралаш бўлимидан “боғлама-мижоз” схемаси асосида почта жўнатмаларини олиб манзилгача етказиб бериш амалиётини жорий этиш учун қўшимча 14та электроскутер харид қилиш;

- қишлоқ ва олис ҳудудларда жойлашган 80та почта алоқаси объектида интерактив давлат хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш;

- вилоятнинг шаҳар ва туман марказлари аҳоли гавжум жойларига мижозлар ўз номига келган почта жўнатмаларини олиши учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 14та автоматлаштирилган комплекс (почтамактарлар)ни ўрнатиш режалаштирилган.

Бу ишларни амалга оширишда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Самарқанд филиалининг барча меҳнат аҳлига омад тилаймиз!

Абдуғафур ХОТАМОВ,  
“Xabar”нинг Самарқанд  
вилоятидаги мухбири



## АО «КАЗТЕЛЕПОРТ» НАМЕРЕН РЕАЛИЗОВАТЬ РЯД ПРОЕКТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов провел встречу с руководством АО «Казтелепорт».

В ходе встречи стороны обсудили перспективные направления сотрудничества в сфере информационно-коммуникационных технологий. Представители АО «Казтелепорт» дали высокую оценку проводимым в Узбекистане широкомасштабным цифровым реформам и выразили готовность принять участие в проектах в рамках Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030».

В частности, представители АО «Казтелепорт» инициировали строительство дата-центра в стране и инвестиции в IT-компании.

На встрече также было уделено внимание вопросам развития ВРО- и КРО-услуг в Узбекистане. Как было отмечено, сегодня в Узбекистане создаются все условия для работы иностранных компаний. Также одним из преимуществ является достаточное наличие квалифицированных IT-кадров. В свою очередь, представители АО «Казтелепорт» предложили привлечь их специалистов для подготовки IT-кадров.



## РАЗРАБОТЧИК WORLD OF TANKS МОЖЕТ ОТКРЫТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ СВОЙ ОФИС

Шерзод Шерматов встретился с делегацией руководства игровой компании из Беларуси Wargaming, сообщила пресс-служба Мининфокома.

В ходе разговора белорусская сторона проявила интерес к рынку Узбекистана. Wargaming готова рассмотреть возможность открытия в Узбекистане своего офиса, сообщили члены делегации.

Мининфоком, в свою очередь, выразил готовность содействовать игровой компании в этом вопросе. Гостей ознакомили с условиями, созданными в Узбекистане для приходящих IT-компаний.

Студия Wargaming, основанная в Минске в 1998 году, занимается разработкой и изданием видеоигр. Её портфолио включает 15 проектов, в том числе многопользовательские игры World of Tanks и World of Warships с аудиторией более 200 млн. человек.

## ВСЕМИРНЫЙ БАНК ВЫДЕЛИЛ УЗБЕКИСТАНУ \$60 МЛН. НА НАЛОГОВУЮ РЕФОРМУ



Шавкат Мирзиёев 24 марта утвердил параметры проекта «Реформа налогового администрирования» с участием Всемирного банка. Постановление доступно в базе данных законодательства Lex.uz.

Совет директоров Всемирного банка в июне прошлого года решил выдать Узбекистану заем в \$60 млн. на 30 лет, включая 5-летний льготный период.

Проект рассчитан на 5 лет — 2022-2027 годы. Его основные цели:

- довести автоматизацию процессов исчисления и уплаты налогов до 90%;
- полностью охватить бизнес электронными услугами, увеличив число услуг, оказываемых налоговыми органами;
- довести собираемость НДС до 75% за счёт полной автоматизации процессов его сбора;
- вдвое сократить время, затрачиваемое налогоплательщиками на подготовку и сдачу налоговых отчётов, уплату налогов.

ГНК и Мининфоком в ближайший месяц проведут цикл учебных занятий для работников налоговой службы, чтобы ознакомить их с возможностями новых информационных технологий и программных продуктов в сфере налогообложения.

## К 2030 ГОДУ ЭЛЕКТРОМОБИЛИ ДОЛЖНЫ ЗАНЯТЬ 15% АВТОРЫНКА

Для ускорения процесса перехода к «зеленой» экономике, а также стимулирования спроса на электромобили, Министерством экономического развития и сокращения бедности разработан и размещен на обсуждение проект Постановления Президента «О мерах по поддержке организации производства и использования электромобилей».

Проектом предлагается утвердить Стратегию и программу развития производства электромобилей в Узбекистане до 2030 года, а также «Дорожную карту» по организации производства электромобилей, их комплектующих и запчастей.

В частности, проектом ставится задача к 2030 году довести долю электромобилей в общем объеме рынка авто не менее 15%. Для этого предусматривается создание полного цикла производства электромобилей и комплектующих на базе имеющихся природных ресурсов (литий, графит и медь).



### ДВА ВИДА НАЛОГОВЫХ НАРУШЕНИЙ ТЕПЕРЬ ФИКСИРУЮТСЯ ОНЛАЙН

В течение года изменятся некоторые штрафы для бизнеса и появятся новые, а в двух регионах страны введены налоговые льготы. Соответствующий закон Шавкат Мирзиёев подписал 11 марта.

Кроме того, в пресс-службе Минфина сообщили о внедрении нового механизма фиксации некоторых правонарушений — через Единую автоматизированную информационную систему налоговых органов. С её помощью фиксируется:

■ несвоевременное представление налоговой отчётности (ч.2 ст. 175 КоАО);

■ непредставление или несвоевременное представление налогоплательщиком в обслуживающий банк платёжного поручения на уплату налогов и сборов (ч.5 ст. 175 КоАО).

Административной ответственности в данном случае подлежат руководитель компании или индивидуальный предприниматель.

### ДЕВУШКИ ИЗ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ЗАПУСТИЛИ ТРИ НАНОСПУТНИКА UNISAT

Участницы образовательной программы UniSat запустили в стратосферу три наноспутника. Об этом сообщили в ЮНИСЕФ.

В мероприятии участвовали свыше 150 девушек из Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана. Они самостоятельно разработали и собрали спутники во время 10-дневного марафона, организованного Казахским национальным университетом.

Наноспутники оборудованы камерами, которые могут в разрешении до 4К снимать Землю и космическое пространство. Кроме того, установленные на них датчики собирают данные о давлении, радиации, гравитации и составе воздуха для дальнейшего анализа.

Запуск «показал безграничные возможности девушек и женщин Центральной Азии», заявил представитель ЮНИСЕФ в Казахстане Артур ван Дисен.

Организаторы UniSat выбрали участниц из 2000 девушек, прошедших онлайн-курсы от UniSat. По словам заместительницы представителя ЮНИСЕФ в Кыргызстане Юлии Олейник, в программе Girls in Science с момента запуска ежегодно участвует свыше 10 000 девушек.

Регистрация на UniSat для Узбекистана была открыта в октябре 2021 года. По данным Мининноваций, в запущенных приняли участие 20 узбекистанок.





## NASA МАРСГА ОДАМЛАРНИ ҚАЙСИ ЙИЛДА УЧИРИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

NASA Марсга бошқарилувчи миссияни юборишга тайёргарлик кўришини ва уни амалга оширишини маълум қилди. Space.com хабарига кўра, Марс миссиясига 2040 йилда – нақ 18 йилдан сўнги старт берилади.


“Қизил орзу”ни амалга ошириш учун Оқ уй фазовий агентлига 2023 йилда бюджетдан \$26 млрд. ажратишни сўради — бу ўтган йилгидан 8 фоиз кўп. Бу маблағлар, шунингдек, одамларни Ойга элтувчи Artemis миссияси, Ерда тадқиқотлар ўтказиш учун сарфланади, деди NASA раҳбари Билл Нелсон. Нелсоннинг айтишича, Ойга сафар қўшни, бироқ олис сайёрага боришдан олдин ўзига хос “чигал ёзди”. Якуний мақсадга 2040 йилда – Марсга инсон илк қадамларни қўйиши билан эришилади.

NASA тадқиқот тизимлари маъмурининг ўринбосари Жим Фри

кўшимча қилишича, 2028 йилдан бошлаб ҳар йили Ойга ичида одам ўтирган ракеталар учиради. Олимлар Марсга имкон қадар тезроқ бориш умидини айна шу парвозларда қўришапти.

## NVIDIA НЕЙРОТАРМОГИ 2D ТАСВИРЛАРНИ 3D МОДЕЛЛАРГА АЙЛАНТИРАДИ

NVIDIA компанияси ўзининг Instant NeRF деб номланувчи янги нейротармогини тақдим этди. У 2D фотосуратларни ва уч ўлчамли расмларга айлантира олади. Текис тасвир бир зумда уч ўлчамли объектга айланади.



Бу нейротармоқ “Келажак полароиди” номини олди. Чунки бир неча сония ичида тайёр 3D модели ҳосил қилинади.

Polaroid брендига хурмат кўрсатган ҳолда, NVIDIA Research компанияси Энди Уорхолга тегишли афсонавий фотосуратнинг 3D форматини қайта яратди.

## IPHONE VA IЖАРА

Bloomberg нашрининг хабар беришича, Apple компанияси ўзининг iPhone ва бошқа қурилмаларини ойлик ижарага бериш обунаси устида ишламоқда.

Агар компания бу хизматни ишга туширса, албатта, фойдаланувчилар ўзларининг ойлик қурилмаларига фақат битта Apple ID akkaунтлари билан улашишлари керак бўлади ва бу akkaунт бошқа Apple хизматлари учун ҳам ишла-



тилади. Шунингдек, смартфон обунасига қўшиб компаниянинг яна бир пуллик обуна хизмати: iCloud булутли хотирасига обуна ёки Apple Music обунаси ёки бошқа обуна хизмати мажбурий қўшиб берилиши ҳам мумкин.

Таъкидлаш керакки, бу обуна хизмати бўлиб-бўлиб тўлаш дастуридан фарқ қилади ва ойлик тўлов 12 ёки 24 ойга бўлинган қурилма нархи бўлмайди. Аксинча, бу ҳали нархи аниқланмаган ойлик тўлов бўлиб, фойдаланувчи қайси қурилмани танлашига боғлиқ. Компания ҳар йили ўз қурилмаларининг янги авлодини чиқарганида, ойлик қурилмалар

фойдаланувчилари эскисидан янғисига ҳам ўтишлари мумкин бўлади.

Ҳозирча бу лойиҳа – шу йилнинг охирида чиқиши ёки 2023 йилга кечиктирилиши ёки умуман чиқмаслиги ҳам мумкин.

## РОССИЯ GOOGLE PLAY STORE БИЛАН ХАЙРЛАШМОҚЧИ

Украинага бостириб кирганидан кейин Россияни жуда кўплаб йирик компаниялар тарк этмоқда. Шулардан бири Google бўлиб, у россияликларга ўзининг бир неча хизматларидан фойдаланишни, хусусан, Google Play иловалар дўконига дастурларни сотиб олишни ва уларга тўлов қилишни тўхтатиб қўйди. ТАСС хабар беришича, мамлакатда Play Store аналог – NashStore номли Android иловалар дўкони Digital Platforms томонидан ишга туширилади.



Афсуски, россияликлар иловаларни сотиб олиш ва тўлаш учун Google Playдан одатдагидек фойдалана олмайди, ишлаб чиқувчилар эса даромад манбаларини йўқотдилар.

## Халқаро ҳаёт



## НАТО СЎНГИ 30 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЙИРИК МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗЯПТИ

Норвегияда НАТОнинг сўнги 30 йилдаги энг йирик машғулоти (Cold Response) давом этмоқда. НАТО хабарига кўра, Cold Response машғулоти 8 ой аввал режалаштирилган ва Россиянинг Украинага қарши ҳаракатларига алоқаси йўқ.

Cold Response машғулоти 14 март куни бошланган: 27 мамлакатдан 30 минг ҳарбий, 220та жанговар самолёт, 50та кема (иккитаси авиаташувчи) ва бошқа техникалар қатнашапти. 1 апрел санасида машғулотлар якунига етади.

## ГАНА ПРЕЗИДЕНТИ ВА ВАЗИРЛАРИНИНГ МАОШЛАРИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ


Гана президенти Нана Акуфо-Адда ҳамда мамлакатнинг барча вазири ўз маошларини 30 фоизга қисқартиришди. “Тежамкор сиёсат”га ундаган нарсаси — Россияга қўлланган санкциялар ординан ёнилғи нарх-навосининг ошиб кетганлиги.

Гана молия вазири Кен Офори-Атта ҳукумат юқори раҳбарларнинг маошлари қисқартирилиши ҳисобига 400 миллион АҚШ доллари атрафида маблағ тежалишини айтди. Яна бир ибратли ташаббус шундан иборатки, амалдорларнинг хорижга сафарлари ва чет эл машиналарини харид қилиши ҳам тўхтатилмоқда.

## ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН АВИАЙЎНАЛИШ ОЧИЛМОҚДА

Жаҳондаги энг узун авиайўналиш йўлга қўйилади. Бу ҳақда Bloomberg хабар берди.

Гонконгнинг Cathay Pacific авиакомпанияси Гонконг–Ню-Йорк рейсини янгидан ташкил қилмоқчи: 16 618 километр масофалик парвоз 17 соат давом этади. Авиакомпания Россия ҳудудини кесиб ўтмаслик учун шу йўлни тўтишга қарор қилди — санкцияларга қадар икки шахар ўртасидаги парвозлар Арктика ва РФ ҳаво кенгликлари бўйлаб амалга оширилган. Эски йўналиш 3 628 километрга қисқароқ ва парвозга 15 соат атрафида вақт кетган.



Хориж авиакомпаниялари Россия–Украина ҳарбий-сиёсий инқирози оқибатида ортиқча харажатга тушаётган бир паллада, Россия авиаташувчилари орасида роялти ҳуқуқига эга “Аэрофлот” яхшигина даромадидан айрилди — компания совет замонларидан буён хориж авиакомпаниялари Транссибир авиайўналишларидан фойдалангани учун “парвоз ҳақи”ни олиб келган. Пандемияга қадар бу миқдор йилга чамаси \$400–800 миллион бўлган.

Дарвоқе, дунёнинг энг узун авиайўли Ўзбекистон осмонидан ўтади.

## ЭНГ ЯХШИ ПАСПОРТЛАР АНИҚЛАНДИ

Nomad Capitalist иммиграция консалтинг компанияси томонидан берилган Nomad

Passport Index рейтингига Люксембург паспорти биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу паспорт эгалари визасиз энг кўп мамлакатларга ташриф буюришлари, шунингдек, дунёдаги энг илгор тизимлардан бири бўйича солиқ тўлашлари мумкин. Люксембург фуқаролари иккинчи фуқароликни ҳам олиш ва қўшимча шахсий эркинликлардан фойдаланиш имконига эга. Масалан, мамлакатда мажбурий ҳарбий хизмат йўқ.

Шунингдек, 10та энг яхши паспорт қаторига Швеция, Ирландия, Белгия, Швейцария, Финляндия, Португалия, Чехия, Нидерландия ва Сингапур паспортлари ҳам кирди.

## ЭКВАДОРДА БАНАНЛАР ТЕКИНЛАШДИ

Санкциялар туфайли Россияга экспорт қилинмаган бананлар Эквадорда сувтекинга сотиляпти ёки мутлақо бепул тарқатилмоқда, дейилади Wall Street Journal хабарига.

Эквадор экспорт қиладиган бананларнинг 20 фоизи Россияга келтирилар эди. Шунингдек, санкциялар сабабли Россияга Эквадордан гуллар экспорти ҳам тўхтаган.

Парагвай фермерлари ҳам катта муаммага йўлиқишди. Улар етиштирган мол гўшти экспортининг тахминан 20 фоизи Россияга тўғри келарди: РФ — Парагвай учун иккинчи йирик гўшт бозори эди. Ички бозор эса шунча гўштни “ҳазм қиладиган” аҳволда эмас, деб ёзмақда “Росбалт”.





Бу йил Фарадей Басирович Абуталиев таваллудига 90 йил, фоний дунёни тарк этганига эса 10 йил бўлибди. Саксон йиллик умри давомида қилган ишларини бир мақолада ифодалаш мушкул.

# ДУОЛАРИМИЗДАСИЗ, УСТОЗ!


Боиси, у инсон чоп эттирган Билмий мақолалар ва муҳаррирликлари остида чиқарилган илмий адабиётлар рўйхатининг ўзи 564та. У киши раҳбарлиги остида тайёрланган фан докторлик диссертациялари 16та, фан номзодлик диссертациялари эса 83та экан. Ана шу рўйхатга тушган 99та шогирдининг ҳар бири устоз ҳақида жуда кўп илиқ сўзлар ва хотираларини чоп этиши мумкин. Мен эса ана шу рўйхатдагилардан бириман, холос. Қолганлардан фарқи томоним шундаки, мен устоз билан энг кўп, яъни 42 йил давомида ёнма-ён ишлаб, маъруза ва суҳбатларидан баҳраманд бўлган шогирдиман. Шу боис устознинг ҳаёт йўли, дунёқараши, илмий салоҳияти, одамийлик хислатларини бевосита кузатганман.

Фарадей Абуталиевнинг умр йўли, илмий ижоди, қолдирган илмий ва маънавий мероси ҳақидаги маълумотлар кўпчилик учун ибратли, фойдали ва ҳавасга арзигулик деб ҳисоблаймиз. Ҳавас эса, бегараз бўлса, инсонни яхши ишларга ундайди.

Устоз Ф.Абуталиев 1932 йилнинг 25 мартда Тошкентда таваллуд топган. Отаси Басир Абуталиев зиёли инсон бўлиб, мактабда физика, математика фанидан дарс берган экан. Менинг марҳум отам – Назир Мирзаев ҳам 1925 йиллар хотираларини кўп эслар эди. Отам “янги” мактабга борганида устознинг отасидан сабоқ олган экан. “Жуда билимли одам эди, – дерди отам. – У вақтда “эски” мактаб, “янги” мактаб турлари шаклланган бўлиб, “янги” мактабларда табиий фанларга эътибор кучлироқ бўлган. Устознинг отаси ана шу янги, илғор анъаналарни таълим соҳасига олиб кирган мутафаккирлардан бири бўлган...”

Олманинг тагига олма тушади, деганларидек, устоз болалигиданоқ жуда зеҳли бўлган экан. Фанларни тенгдошларига нисбатан тез ўзлаштиргани боис синфдан синфга сакраб, ўрта мактабни икки йил олдин тамомлашга эришган. 1947 йили 15 ёшида Ўрта Осиё давлат университетни (ҳозирги Миллий университет)га ўқишга кирган. 1952 йили университетни битирганида эндигина 20 ёшга тулганди. Шундан сўнг илм-фан дунёсига шўнғиб, умр-бўйи у ердан дуру марваридларни излаш билан машғул бўлган. Юқорида қайд этганимиздек, бу меҳнатлари зое кетмаган. Қолдирган улкан илмий мероси ва беҳисоб шогирдлари, давлатимиз томонидан берилган юксак нишон ва мукофотлар захматли меҳнатлари самарасидир.

Ўрни келганда, шахсан ўзим шохид бўлган айрим лавҳаларни баён қилсам: 1968 йили Москва давлат университетини битириб, Тошкент давлат университетини механика-математика факултетининг “Ҳисоблаш математикаси” кафедрасига ишга келганман. Кафедра мудири раҳматли Райбулла



Назруллаевич Солиҳов менинг илмий салоҳиятимни назарда тутиб: “Сиз илмий соҳада ҳам ишларингизни давом эттиришингиз керак, мен сизни бир олим билан таништириб қўяман”, – деганди ва 1970 йили Ф.Абуталиев ҳузурига олиб кирган эди. Мен бу инсонни 1969 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилганида кўрган эдим. Ушанда ҳимоя давомидаги нутқи, саволларга аниқ, раван ва ишончли жавоб беришига қўйил қолган эдим. Ундан ташқари, менинг диплом ишимга раҳбарлик қилган академик А.Самарский оппонент сифатида Ф.Абуталиевнинг илмий иши ва ўзига жуда юқори баҳо берган эди. Буларнинг барчаси танишувнинг бошиданоқ менда устозга нисбатан илхос уйғонишига сабаб бўлган. Шундан кейин устоз билан суҳбатлашиш учун борганимда унинг менга ўхшаш ихлосмандлари жуда кўпчилигини кўриб ҳайрон бўлардим.

ЎзФАнинг Кибернетика институти ва ҳисоблаш марказида жуда кўп олимлар бор эди, лекин фақат Ф.Абуталиев хонасининг эшиги олдида доимо навбат кутувчилар кўп бўларди. Уларнинг барчаси устознинг шогирдлари ёки шогирд бўлиш умидида юрганлар эди. Устоз уларнинг ҳар бирига керакли маслаҳатлар ва топшириқлар беришдан чарчамас эди. Яна бир тарафи, бу шогирдлар йўналиши, муаммоси турлича бўлса – да, устоз қувват хотиралари шунчалик кучли эди – ки, уларнинг аввал қилган ишлари, ҳозирги бошқилари ва келажакда бажариши керак бўлган вазифаларини, қайси олимнинг қайси журналда чоп этилган мақолаларини ўқиш кераклигига аниқ айтиб берар эди.

Устоз амалий математика ва механика соҳасида комусий олим бўлиб, қирк ёшидаёқ собиқ иттифоқ миқёсида тан олинган олимлардан бирига айланган эди. Бунга мен кўп бора амин бўлганман. 1970–1980 йиллар давомида иттифоқ миқёсида фан анжуманлари кўп ўтказилган. Улардан баъзиларига Тошкент ҳам мезбонлик қилган. Анжуманларга қатнашиш учун келган машҳур олим-

лар аввало Фарадей Басировични йўқлашар, улар билан бўладиган мулоқотлар фақат устоз орқали ўтказилар эди. Бунга мен Тошкентга А.А.Самарский, Х.А.Рахматулин, Г.И.Марчук каби академиклар келганда шахсан гувоҳ бўлганман.

Ўша вақтларда Фарадей Абуталиев ҳар жума куни соат 9.00да илмий семинар ўтказарди. Бу семинарда маъруза қилиш учун қанчалаб навбатда турилар, ҳатто собиқ иттифокнинг бошқа шахарларидан ҳам илмий ишини муҳокамадан ўтказиш учун талабдорлар келар эди. Чунки бу семинарнинг ижобий хулосаси ҳар қандай илмий кенгашда жуда қадри ҳисобланарди. Фақат бу хулосани олиш осон бўлмаган. Чунки бу семинарда илмий ишлар устоз ва унинг олим шогирдлари муҳокамасидан ўтарди. Айниқса, устоз ҳар қандай ишнинг бир зумда мағзига етиб бориб, шундай таҳлил қилар эдики, сохта мактов, хаспўшлаш деган гап бўлмас, барчаси ҳаққоний, ошқора ҳал қилинар эди. Муҳокамаларда фаол қатнашиш шогирдлари учун жуда катта мактаб вазифасини ўтаган. Бу мактабда олинган илмий сабоқлар бир умрлик иш қуролимизга айланган эдики, биз – шогирдлар йиғилиб қолган чоғларда у дамларни мароқ билан эслашиб юрардик.

Устознинг ажойиб хислатларидан яна бири – мураккаб муаммоларни ҳам жуда содда, оммабоп кўринишда талқин қилишда беқийёблигига ҳавас қилардик. У киши билан суҳбатлашган одам асло зерикмас, сўзларини ишончли далиллар билан, маълумотлар билан асослаб, фикрларини чиройли, раван ифодалашга уста эди. Ўрни келганда лагифалардан ҳам усталик билан фойдалана оларди ва бу устознинг ҳозиржавоблигидан дарак берарди.

Домла 1976 йили Тошкент электротехника алоқа институтига янги очилган “Информатика” кафедрасига кафедра мудири бўлиб ўтди. 1977 йили, номзодлик диссертациямни ёқлагач, мени ҳам шу кафедрага ишга таклиф қилди. Устоз бу ерда ҳам илмий ишлар ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди, раҳбарликлари остида учта докторлик, ўнта номзодлик диссертациялари ёқланди. Яна кўп ёш олимларга илмий маслаҳатчи сифатида ёрдам қўлини чўзди.

Эслайверсак, гап кўп. Устоз бир умр фаол, эл ардоғида бўлиб, кўпларнинг дуосини олиб яшарди. Сўнгги манзилга ҳам беозоргина, аста йўл олди. Илоҳим, устознинг оҳирати обод бўлсин. Мен каби кўплаб шогирдлари ҳали қайта-қайта шундай дуолар қилиши тайин. Булар ҳам устознинг номаи аъмолларига яхшилик сифатида қўшилишини умид қиламиз.

**А.МИРЗАЕВ,**  
ТАТУнинг “Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш” кафедраси доценти

## Мулоқот

### МУТАХАССИСЛАР ФАРҒОНАЛИК ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

IT-Парк Фарғона филиалида Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – UZINFOCOM вакиллари иштирокида ёшлар билан очиқ суҳбат бўлиб ўтди.

Учрашувда юзга яқин дастурчи ёшлар билан вилоятда янги дастурчилар жамоасини шакллантириш, замонавий йўналишда янги иш ўринлари яратиш бўйича ўзаро фикр алмашилдисавол-жавоблар бўлиб ўтди. Фарғоналик ёш дастурчилар устозлардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдидилар. Бундан ташқари, дастурлаш энди кириб келган бошланғич дастурчилар ушбу жамоада ўз билим ҳамда кўникмаларини орттириб боришлари мумкинлиги тушунтирилди.

## Қулайлик

### “УМРА ҚўЛЛАНМАСИ” ИЛОВАСИ iOS ДАСТУРИДА

Яқинда Ўзбекистон му сулмонлари идораси томонидан Android мобил телефонлари учун “Умра қўлланмаси” иловаси ишлаб чиқилган эди. Эндиликда мазкур илова iOS дастурида ҳам татбиқ этилди. Бу эса барча смартфон, планшет эгаларига иловодан фойдаланиш имкониятини яратди.

Қайд этиш жоизки, “Умра қўлланмаси” иловасида Умра сафари давомида лозим бўладиган барча зарур маълумотлар тафсилотларигача қисқа, содда ва лўнда баён этилган. Масалан, “Умра қўлланмаси” бўлимида Умра ибодатига оид барча масалалар келтирилган. Хусусан, “умра” сўзининг маъносидан то унинг амаллари-ю суннатларигача тушунтириб берилган. Сафарга тайёргарлик бўлимида эса, муборак сафарга чиқмоқчи бўлган ҳар бир кишига муҳим тавсиялар, зиёратчилар эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар баён этилган.

Шунингдек, илопада бир қатор эслатма ва хизматлар бор. Жумладан, пандемия шароитида Саудия Арабистонидаги тартиблар, қайси вакциналар олиш зарурлиги ҳамда об-ҳаво маълумотлари бериб борилмоқда.





# Клара Нажмитдинова: “ҚАЛБИМДА “ПОЧТА” ДЕГАН ҚЎШИҒИМ БОР”

Кун келиб соҳа вазирининг қўлидан юксак эътироф – мукофотни оламан, деб ўйлаганми-ди у. Йўқ, албатта. Лекин ҳар тонгни тухфа деб қабул қилиб, янгидан туғилгандек севимли ишига йўл олар экан, юзимни ёруғ, тилимни узун қил, адаштирма, деб тер тўкиб ишлагани, 37 йиллик фаолияти давомида шукрни қанда қилмай, оддий хокисор алоқачи бўлсам бас, шу менга кифоя, дея эл хизматида бўлгани рост. Нонимни ҳалоллаб ей, дея чеккан заҳматларининг ажру савобларидан умидвор бўлгани ҳам аини ҳақиқат.

Имон, ишонч, сўз ва амал – нақадар буюк куч экан. Устозлари айтгувчи эди: “Ўзингни ҳар ерга уравермасанг, азизу мукаррам бўласан!” Мана, уларнинг жон куйдириб берган ўғитлари самараси – 2022 йил март ойининг ўн саккизинчи куни Фурқат тумани Шоимбек алоқа бўлими бошлиғи Клара Нажмитдинованинг ҳаётида энг унутилмас кун бўлиб муҳрланди. Шу куни “Ўзбекистон почтаси” АЖ ташкил этилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанادا унга АКТ вазир Шерзод Шерматов вазирликнинг Фахрий ёрлиғини топширди. Уша он кўзларига тошиб келган қувонч ёшларини базўр ютиб юборди. Юрагида миннатдорлик туйғулари тўлиб тошди. Вазирликка, филиал раҳбарларига, таълим берган устозларига раҳматларини ихжор қилди. Алоқа соҳасига кириб келган йиллари бир-бир ҳаёлидан ўтди.

...Опаси Эркиной туман (Киров райони деб юритиларди) алоқа боғламасида телекоммуникация соҳасида ишларди. Опа эрталаб аллақандай шовқини жўшқин руҳда ишга отланар экан, шунглиси Клара оғзи очилганча орзиқиб кузатиб қоларди. Бир куни сабри чидамади, опажон, мунча ҳам ишингизни яхши кўрасиз? Мени ишхонангизга оборинг. Кўргим келяпти, деди. Илк борганда ҳайратларда қолди. Алоқа соҳаси турган-битгани мўъжиза экан, сир экан. Шу зайл тез-тез борар, бу оламнинг чексиз-чегарасиз синоатларини бир зумда билиб олишга интиларди. Юқори синфларга борганда фақат томошабин бўлмай, опасига ва унинг ҳамкасбларининг ишларига қарашиб юборадиган бўлди.

– Мени ишга олишармикан,

мактабни тугатсам, шу ерда, сизлар билан ишлардим. Опаси унинг саволига тезда жавоб қилмай, бир паст унга термулиб турди – да деди: – Ўзим ҳам шуни ўйлаб юргандим. Ишлайсан. Фақат олдин Тошкент алоқа политехникумида ўқишинг керак. Ўқийсанми? Ўқишга қурбинг етадимми?

Хуллас, унинг орзулари амалга ошди. Тошкент алоқа политехникумида 1986–88 йилларда кундузги бўлимда таҳсил олиб қайтди. У синашта эди. Шу сабабми, уни дарҳол шаҳарлараро телефон тармоғига ўрганувчи телефонисткаликка ишга қўйишди. Сабру тоқат билан касб сирларини эгаллашга киришди. Кўп ўтмай тушундики, алоқачи психолог бўлиши, мижоз билан мулоқотда эҳтиёткор бўлиб, зарур вазиятда зарур сўзни топиб айтиши, Эркиной опаси қайта-қайта таъкидлаганидай, ҳар бир ишнинг натижасини аниқ-тиниқ қилиб ёзиб бориши шарт экан. Нима бўлганда ҳам бу иш қўлимдан келади, деб шижоат кўрсатган, юракдан ишлаган кам бўлмас, зиёда бўларкан. Ишининг заҳматларига яраша қандайдир таштини ҳис этиб, ёшларга хос ғайрати, интилиши билан жамоада муносиб ўрин топган қиз ота-онасига, опасига раҳматлар келтирди. Ўйларига совчилар кела бошлади. Ҳамкасби Бодомгул опа Кларани кўз остига олиб юрган чоғи “Ака, шу қизни бир кўрингчи”, деган экан. Ака бўлимиш Муҳиддинжон Кларани кўриши билан эртаси совчилар юборибди. Шундай қилиб, Кларанинг бир аҳил, обрўли оилага келин бўлиш орзуси ҳам ушалди. Фурқатлик Насриддин ва Ҳадичахон Нажмитдиновлар оиласи Кларахонни келин эмас, қиз деб қабул қилишди. Қизгина туб қўйиб, палак отди. Гулноза, Зиёхиддин,

Низомиддинлар дунёга келишди. Раҳматли қайнонани боғчада тарбиячи эди. Ўзининг невараларини ҳам ҳамма ҳавас қиладиган даражада одобу ахлоқли ва жуда ҳам меҳнатсевар қилиб камолга етиштирди. Бунинг учун Клара ҳар куни қайнота-қайнонасининг ҳам ҳаққига дуолар айлайди. Ахир, улар туфайли у ишига маҳкам бўлди, болаларим деб уйга чопмай, астойдил меҳнат қилди. Оилада ҳам, касбида ҳам эъзоз топди. Қайси лавозимга қўйишса ҳам сидқидилдан ишлайверди. Турмуш ўртоғи ҳам почта учун синовли йилларда, шу ҳам ойликми, ишланманг, уйда ўтиринг, демади. Аксинча, ҳаммиса ёрдам бериб келмоқда.

Меҳнат фаолиятига диққат қилинги: Киров тумани Горск алоқа бўлими почта оператори, Мустақиллигимизнинг илк йилларида ва ниҳоят Бешариқ деб атала бошланган туманда Томоша алоқа бўлими бошлиғи, Фурқат алоқа боғламаси назоратчиси, пенсия бўлими бошлиғи, етакчи мутахассис, йўриқчи-тафтишчи лавозимларида ишлади. Уч йилдан буён Навбахор почта алоқаси боғламаси Шоимбек алоқа бўлими бошлиғи. Унинг хушнудликка бой қуналарида телефон орқали боғландим. Очиг кўнглигина, шириңсўзгина экан Кларахон деганлари. Ўзи ҳақида қисқагина гапирган бўлса-да, ундан бир дунё маъно уқдим.

– 1993 йилда фаолиятимизда янги давр бошланиб, компьютер саводхонлигига киришиб кетдик. Тошкентдан келган мутахассисларнинг айтганларини оқизмай-томизмай ёзиб олганман. Шу-шу компьютерларимиз неча бор янгиланган бўлса ҳам, бемалол ишлаб келаман. Бу борада менда сира қийинчилик бўлмаган. Энди хушxabарни эши-

тинг, бир ойдан сал ошай деб қолди. Ҳамма бўлимларга яп-янги компютер жамланмалари беришди. Почталоним Барнохон Олимова билан чунонам севиндикки, қўяверасиз. Термопринтер билан кўчада ҳам мижозларга хизмат кўрсатиб кетяпмиз. Ўзимдан ўзган 14 шогирдим бор. Ўзим ҳам учта қишлоққа почтачилик қиламанда. Хабарномалар, бююртма хатлар, эҳ-ҳе, хизматларимиз 50тадан ҳам ошиб кетди. Баъзан бир кунда юзтагача хат-xabарлар келади. Шунда турмуш ўртоғим, ўғилларим ёрдамлашади. Почта аввалгидай гуркираяпти...

Устозлари, телекоммуникация соҳасида узоқ йиллар ишлаб, анча йиллардан буён фахрийликдаги опаси Эркиной Ҳасанова, биринчи устози Дилдорахон Аҳмедова, техникумда касбий таълимдан сабоқ берган домла Казаков ҳамда Рустамжон Раҳматуллаевларни эҳтиром билан тилга олиб, улар менинг улугларим, улардан тоабод қарздорман, деди. Яхшилар яхшиликни унутмайди, деб шунга айтадилар. Суҳбатимиз охирида “Нима учун исмиңгиз Кларахон?” деб сўрадим. Жуда қизикда. У бўлса “Дадам раҳматли Клара Жалилованинг қўшиқларини яхши кўргани учун. Клара... бу исм ўзимга жуда ёқади”, деди қулибгина. Ҳа, шундоқми, у ҳолда сизга сўнги савол: “Дўппи тикдим”ни айтганмисиз, дедим. У эса айнан ўзим кутган жавобни айтса бўладими: Йўқ. Айтмаганман. Менинг қалбимда “Почта” деган қўшиғим бор, холос”.

Ана шу “қўшиқ” қалбингизда мудом жаранглаб турсин, почтани гуркиратаверинг, Кларахон!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Хабар”нинг Фарғона  
вилоятидаги мухбири

<p><b>Xabar</b></p> <p>MUASSIS:</p> <p>O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug‘ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay‘ati: Sherzod SHERMATOV (Hay‘at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Usmonjon YO‘LDOSHEV (Mas‘ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda “Xabar”dan olinganligi ko‘rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko‘chasi, 2-uy (Mo‘ljal Oloy bozori).</p> <p>Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO‘RIYEV. Navbatchi: Asliddin BO‘RIYEV.</p>									
<p>Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro‘yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>		<p>Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi 41-uy.</p>		<p>Г-359 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3332</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>					
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>	<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>	<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>	<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	<p>Nukusda 554-35-45</p>	<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>	<p>Termizda (99)508-30-52</p>	<p>Toshkentda 234-18-59</p>	<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>	<p>Farg‘onada (73) 244-18-05</p>	<p>Qarshida (93)931-08-99</p>